



ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Зарфуллаева Зулайҳо

"Иссиқлик электр станциялари" АЖ
матбуот хизмати мутахассиси

Одам Атодан бугунги кунгача 7 ярим миллиардга яқин бошқа вужуд пайдо бўлди. Йиллар ўтгани сари одамлар турли минтақаларда қўним топишди. Шу тариқа инсоният илдизи ёйила бошлади. Яъни инсониятнинг бутун ўтган даври дифференсация – ҳар хил ўзликларга бўлиниш даври бўлди. Айни мана шу давр локализм ҳисобланади.

Сўнгги пайғамбар эълонидан илгари одамлар қабила, ирқ, миллат, уммат ва давлатларга мансуб эдилар. Табақачилик ва ирқчилик кенг таноб отган, одамлар табақасига қараб юқори ёки қўйи саналар эди. Кимdir обид, кимdir маъбуд, кимdir ҳур, кимdir қул эди. Одамлар мансуб табақалари ва миллатларига қараб бир-биридан ҳайвон билан одам каби тафовут қиласидилар. Табиийки, бу каби жоҳилият жамиятда бирлик ва тенглик ҳақида ўй-фикр бўлиши мумкин эмасди. Бирлик ва тенглик ҳақида асрлар оша ҳеч ким чурқ этмагани ҳам ҳаққи-ростдир. Ҳазрат Пайғамбарамизнинг бу борада дунёга жар солиши, ақлларни шоширди, вазиятни бутунлай ўзгартириб юборди. Пайғамбарлар хотами: "Эй одамлар! Барчангизнинг Парвадигорингиз ҳам, отангиз ҳам бирдир. Барчангиз Одамга қайтасизлар. Одам эса тупроқдан яралган. Сизларнинг Аллоҳ наздида энг ҳурматлироғингиз энг тақводорроғингиздир. Арабнинг ажамдан устинлиги фақат тақво биландир", деб, инсониятнинг асли бирлиги ва Аллоҳ наздида тенглигини эълон қиласидилар.

Глобализм бирданига бошланмади, аксинча босқичма-босқич амалга ошди. Тарихда ўрта статистик инсон фақатгина 6 километр радиусдаги воқеа-ҳодисаларни билиш ва уларга таъсир қилиш имкониятига эга бўлган. Буни олимлар тахминан ҳисоблаб чиқишиган. Фақатгина айrim категориядаги инсонларнинг билиш ёки таъсир доираси кенгроқ бўлган. Бугун шундай бир муҳит шаклландики, ҳар бир инсон дунёning исталган четидаги ҳодисани шу заҳоти билиш имкониятига эга.

Глобаллашув даврида ўзликлар ниҳоятда катта рол ўйнайди. Яъни шу ўзлик асосида биз киммиз, бизнинг дўстларимиз ким, душманларимиз ким каби саволларга жавоб топиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Стратегик бирдамлик, стратегик ўзлик ва инсонлар, жамиятлар, давлатларни бирлаштирувчи куч асосида ўзликлар туради. Ва мана шу ўзликларнинг бир нечтаси кесишиганида, бирлашганида стратегик иттифоқчилик юзага келади.

Бизнинг иккита катта ўзлигимиз бор. Биринчиси бу диний ўзлик. Биз улкан Ислом цивилизациясининг таркибий қисми ҳисобланамиз, биз пост-совет ҳудудидаги энг катта ва туркий дунёдаги Туркиядан кейинги иккинчи йирик





мусулмон жамиятмиз. Олтига туркий давлат бор ва шулардан энг каттаси Туркия. Иккинчидаги эса Ўзбекистондир. Шунингдек, Марказий Осиё аҳолисининг ярми Ўзбекистонда яшайди. Лекин туркияликлар Ўзбекистонни ота юртимиз дейди. Турк сиёсатчилари ўзларининг ўзлигини жуда яхши билишади. Улар аслида Хоразмдан кетганлигини, яъни Хоразм цивилизациясининг таркибий қисми эканлигини ва шу сабаб улар Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонга тарихан тўлақонли боғланганлигини жудаям яхши англашади.

Тарих - буюк мураббий, тарбия ва ибрат манбаидир. Миллий ғоя халқимизга ўз тарихини одилона, объектив ва холисона ўрганиш имкониятини яратади, миллат сифатида шаклланиш давридаги мураккаб шароитларнинг келиб чиқиши сабабларини қўрсатиб беради. Тарихий хотира миллатга куч-кудрат бағишлийди, ҳайётнинг оғир синовларини муносиб енгиб ўтишга, ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўзга халқларни тобе этишга уринган босқинчилар халқни ана шу қудрат манбаидан айиришга, шаҳар ва тарихий обидалари, маданий ёдгорликлари ва аждодларнинг маънавий меросидан маҳрум этиш орқали тарихий хотирасини заифлаштиришга ҳаракат қилганлар. Чор Россияси, сўнг қизил Империя даврида кўплаб маданият дурдоналари йўқ қилинди, динимиз ва тилимиздан бегоналаштиришга уриндилар.

Кишининг Инсон мартабасига эришмоғи, ўзлигини танишида маънавий-ижтимоий муҳит ва жамиятда орттирган тажрибаси, билимлари, тарбияси муҳимдир. Шунинг учун ҳам, миллий ғоя воқеликка айланиси, тараққиётга хизмат қилиши учун миллий-маънавий тикланиш замирида фуқароларимиз онгу-тафаккурини ўстириш зарур.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ўтмиш маънавий меросини ўзига сингдирмаган, аждодлар меросини қадрлай олмаган миллатнинг эътиқоди суст, ғояси ноаниқ бўлади.

Юртбошимиз “Биз нега тарихий қадриятларимизга, буюк бобокалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик?” деган саволни қўйиб, миллий ўзликни шакллантирадиган ва миллий ғурурни уйғотадиган асосий мезон “Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини таъкидлади ва бу борада қуйидаги масалаларни илгари сурди:

- миллатнинг маданий савияси унинг ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади;
- ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади;
- биз халқни номи билан эмас, балки, маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг так томиригача назар ташлаймиз.





- ўзбек халқимининг илиги тўқ, бакувват. Биз ўзбеклигимиздан фахрланамиз ва ғуурланамиз. Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз.

Аждодларимиз ҳам миллий, ҳам умумбашарий қадриятлар ижодкори, яратувчisi, соҳиби саналади. Халқимиз асрлар давомида жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Бобур, Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берди.

“Заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг bemisл илмий-ижодий қашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга solaётганини ғуур билан таъкидлаш лозим. Масалан, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожи учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратгани умуминсоний тараққиёт ривожида қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз...

Яна бир улуғ аждодимиз – Аҳмад Фарғоний “Астрономия асослари ҳақида китоб” номли асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилинган. Машҳур алломамиз Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўкув юртларида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўқитилиб келингани, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларининг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилган.”

Аждодларимизнинг акл-заковати, қобилияти ва меҳнати билан яратилган, дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлар, уларда мужассам бўлган тарихий обидалар, ёдгорликлар, миллий хунармандчилик, шаҳарсозлик маданияти, тарихий анъналари, миллий турмуш тарзи миллий ғууриининг маданий-маънавий асослари ҳисобланади.

Бинобарин, ўзлигини англаб етган, ўз халқининг, Она-ватанининг қадрқимматини эъзозлай оладиган, аждодлар меросига муносиб ворис бўлиб эзгу ниятлар билан меҳнат киладиган, ғурури баланд комил инсонларни тарбиялаш учун мозийга қараб иш кўриш талаб этилади.

